

ОНА ТИЛИ ТАЪЛИМИДА ДИДАКТИК ЎЙИНЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Диёрбек Рўзмамат ўғли Турғунпўлатов

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти талабаси

АННОТАЦИЯ

Узлуксиз таълим тизимида она тили ўқитишнинг замонавий педагогик ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этишда замонавий методларнинг ўрни хусусида сўз юритилади.

Калит сўзлар: интерфаол метод, инновацион принцип, дидактик ўйинлар технологияси, комбинация, «Сўздан сўз» ўйини, “Брейн ринг” ўйини, шаклдош ва маънодош сўзлар, ўқув-билиш фаоллиги, уядош сўзлар.

КИРИШ

Бугунги кун шиддат билан ривожланиб бораётган бир пайтда бошқа соҳалар каби илм-фан соҳаси ҳам ривожланишларни, бидимларни янгича қарашлар билан ўрганишни талаб этмоқда. Бу эса ўз навбатида, ҳар бир фанга доир янгича методологик принципларни, янгича таълим технологияларини кашф этиш, ривожлантиришни тақозо қилмоқда.

Умуман олганда, замонавий таълимни ташкил этиш, уни мукаммал ҳолатга келтиришга қўйиладиган талаблар мавжуд. Шулардан бири – **қисқа вакт ичida юксак натижага эришиш**. Бунда назарий билимларни ўқувчиларга етказиб бериш асосида маълум кўникма ва малакаларни шакллантиришга, ўқувчилар томонидан эгалланган билимлар даражасини баҳолаш ўқитувчи - педагогдан таълим жараёнига янгича ёндошишни талаб этади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Замонавий методларнинг энг асосийлари сифатида қуйидаги методлар эътироф этилганлиги ҳаммамизга маълум: модулли таълим технологияси, ҳамкорликда ўқитиш технологияси, муаммоли таълим технологияси, интерфаол метод технологияси, дидактик ўйинлар технологияси ва синов дарслари. Булар инновацион методлардир.

Таълим жараёнида дидактик ўйинларни қўллаш воситасида ўқувчиларда фаол ҳаракат ва қизиқиш уйғотилади. Таълим жараёни, унинг ривожланиши ва

самарали кечиши кўп жиҳатдан ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро ишончи асосида қурилган очик муроқотига боғлиқ. Дарс жараёнидаги ўйинлар эса бу муҳитни мустаҳкамлашда асосий роль ўйнайди. Ўйинлар гурухларда ишлаб машқ қилишга одатлантиради ва унча кўп вақтни олмайди. Жамоавий ишлаш давомида ўқувчилар фаоллиги ошади ва дарсга нисбатан диққат-эътибори кучаяди. Ўйинлар воситасида ўқувчиларга янги билим бериш, кўникма ҳосил қилиш, кичик гуруҳ аъзоларининг ижодий қобилиятиларини рағбатлантиради. Ўйинларни асосан дарснинг кириш ёки яқуний қисмида ўтказиш мақсадга мувофиқлиги қўлланмалардан маълум. Ўйинларни мақсадига биноан турларга ажратиш мумкин:

«Сўздан сўз топ» ўйини. Бу ўйинда бир сўздан бир неча сўзлар келтириб чиқариш талаб қилинади. Бу ўйин тури ўқувчиларни фикрлашга, изланишга ундейди, уларда топқирлик қобилиятини юзага чиқаради. Бу ўйинни айнан такрорлашдан қочиб, маълум бир мавзуга боғлиқ ҳолда ўтказиш йўллари хусусида фикр юритамиз.

Берилган сўз таркибидаги ҳарфларнинг турли комбинациясидан фойдаланиб, бир неча сўзлар ҳосил қилиш мумкин. Демак, бу ўйинни маълум бир мавзу билан боғлиқ ҳолда ўтказса ҳам бўлади. «Сўздан сўз» ўйинидан тилнинг барча сатҳларини ўқитишида фойдаланиш мумкин. Жумладан, лексикология бўлимида шаклдош, зид маъноли сўзлар мавзуларини ўрганишда бу ўйиндан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун ўқитувчи шаклдош ёки зид маъноли сўзларни келтириб чиқариш мумкин бўлган сўзларни танлай билиши ва шундай кейингина уларни ўқувчилар эътиборига ҳавола қилиши лозим. Омоним (шаклдош) сўзлар мавзуси ўрганилгач, ўқувчиларга қўйидаги сўзларни бериш ва улардан шаклдош сўзларни келтириб чиқариш вазифаси топширилади. **Гулҳамишабаҳор, тутқич, чекинмоқ.** *Тутқич* сўзидан тут (тутмоқ феъли, мевали дараҳт), чек (чекмоқ феъли, чек патта, ...) иштироқида шаклдошлик хусусиятига эга бўлган сўзиларни келтириб чиқариш мумкин. Бундан ташқари, биттагина *гулҳамишабаҳор* сўзидан *ор*, *ур*, *ҳамиша*, *ҳам*, *башара*, *гул*, *руҳ*, *баҳо*, *бу*, *ҳашар*, *ҳамишабаҳор* сўзларини ясаш мумкин.

Зид маъноли сўзлар мавзусида бу ўйиндан қисман фойдаланиш мумкин. Мавзу юзасидан машқлар ишланиб, керакли тушунчалар берилгандан сўнг ўқувчиларга қарагайзорлар, ёпинчиқлар сўзларини бериб, антоним (бир – бирига қарама – қарши маъноли) сўзларни келтириб чиқариш топширилади. Қарагайзорлар сўзидан *ок-қора*, ёпинчиқлар сўзидан *ён - чиқ* сўзларини ҳосил қилиш мумкин.

Бу ўйиндан морфология бўлимида ҳам кенг фойдаланиш мумкин. От сўз туркумида берилган сўзлардан атоқли отлар ҳосил қилиш топширифи берилади. “Электрамеханизатор” сўзидан қўйидагича отлар ҳосил қилиш мумкин:

1. Атоқли отлар: Атхам, Азим, Азам, Элназар, Зарина;
2. Турдош отлар: а) қавм-қариндошлик отлари: ака, хола, ота; б) маҳсулот номлари: электр, ин, от, ит; в) мавҳум отлар: алам, илм. Қолган сўз туркумларида ҳам ўйинни шу тарзда ўтказиш мумкин.

Синтаксис бўлимига хос билимларни мустаҳкамлашда ҳам ўйиндан содда йифик гап ва содда ёйиқ гаплар тузиш мумкин. Бунда ҳам ўқувчидан зукколик, топқирлик талаб этилади. Нодир олди. Она бўлди. Она Римга борди. Болалар Лолани излади ва ҳоказо. Умуман олганда. “Сўздан сўз” ўйини қизиқарли ўйинлардан бўлиб, ундан фойдаланиш имконияти бор. Фақат бу бўлимда «Сўздан гап» тарзида ўтказилади. 5-синфда «Содда йифик гап», «Содда ёйиқ гап» мавзулари ўрганилганда, шу ўйиндан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун билимдон ўқувчиларимизга *табаатишуносликнинг* сўзи берилади ва ундан содда гаплар келтириб чиқариш топширилади. Ўқувчилар бу ўйиндан қай даражада фойдалана олиши ўқитувчининг маҳорати ва ўқувчи тафаккурига боғлик.

НАТИЖА

«Сўздан сўз топ» ўйини ўқувчиларни сезгир, зукко ва топқир бўлишга одатлантиради. Ўйинда иштирок этиш учун ўқувчи мавзуни яхши ўзлаштирган бўлиши лозим, акс ҳолда, ўйиндан чиқиб қолади. Ана шуни ўқувчи ҳис қила борса, унда илмга қизиқиш ҳам орта боради. Мазкур ўйиндан тилнинг барча сатҳларини ўрганишда фойдаланиш мумкин. Жумладан, лексикология бўлимида маънодош сўзлар мавзуси юзасидан ўтказиладиган мустаҳкамлаш дақиқаларида шу ўйинни қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади. Ўйин қўйидаги тартибда ўтказилади. Ўқитувчи бир неча маънодош сўзлар гурухини танлайди. Масалан, *чирой, ҳусн, кўрк; юз, бет, афт, башара, жамол, ораз, турқ, чеҳра; қуёши, кун, офтоб; аввал, илгари, олдин, бурун; атайлаб, атай, атайин, жўрттага, маҳсус*. Бу сўзлар алоҳида-алоҳида қофозларга ёзилади ва стол устига қўйилади. Булардан бош сўзлар ажратиб олинади ва 4 та ўқувчига берилади. Демак, тўртта ўқувчи бош сўз ёзилган қофозни ушлаб тўрт жойга туряди. Қолган сўзлар аралаштирилиб қўйилади. Синф ўқувчилари ҳам тўрт гурухга бўлинади ва ҳар бир гурухга битта бош сўз бириктирилади. Масалан, 1-гурух

ўқувчиларига юз сўзининг, 2-гурухга аввал сўзининг, 3-гурухга қуёш сўзининг, 4-гурухга атайлаб сўзининг маънодошларини топиш топширилади. 1-гурух ўқувчилари навбат билан чиқиб, аралаш холдаги сўзлар ичидан бет, афт, башара, жамол, ораз, турқ, чехра сўзларини топиб юз сўзи ёзилган қофозни ушлаб турган ўқувчи ёнидан, яъни «Бош сўз» ёнидан ўрин оладилар. Қолган гуруҳ аъзолари ҳам ўйинни шу тарзда давом эттирадилар, яъни ўз ўрнини топадилар. Ўқитувчи гурухларнинг топқирликни қандай бажарганликларини текширади, ўз ўринларини тўғри топган гурухларга тўлиқ юқори балл, ўрин топишида адашган гурухларга эса пастроқ балл кўйилади. Ўйинни бироз мураккаблаштириш ҳам мумкин. Бунинг учун маънодош сўзлар ичида маънодошлиқ қаторига мансуб бўлмаган сўзлар ҳам аралаштириб юборилса, ўқувчиларнинг керакли сўзни топиб олиши қисман мураккаблашади. Тўғри жавоблар ичидан нотўғрисини, нотўғри жавоблар ичидан тўғрисини топиши техникаси ривожланади. Бу иш ўқувчилар билимига, иқтидорига қараб белгиланади. Уядош сўзлар, шаклдош сўзлар, иборалар мавзуси бўйича ҳам бу ўйин шу тартибда ўтказилади. Морфология бўлимида феълнинг маъновий гурухлари, феъл нисбатлари, туб ва ясама феъллар, сифатнинг маъновий гурухлари, олмошнинг маъновий гурухлари мавзуларини ўрганишда шу ўйиндан фойдаланиш яхши самара беради.

Илғор педагогик технологияларга асосланган замонавий дарс турлари ва шаклларини қўллаш, ўқувчининг таълим жараёнидаги ўрни, унга янгича муносабатни таъминлаш мазкур жараённи моҳириик ва идрок билан бошқариш демакдир¹.

МУҲОКАМА

“Брейн ринг” ўйини. Бу ўйин интеллектуал фаолиятни шакллантирувчи ўйинлар сирасига кириб, унда ҳар бирида 5–6 нафардан ўқувчи бўлган 2 тадан 5 тагача жамоалар қатнашиши мумкин. Ўқитувчи ҳар бир гурухга қисқа жавобли саволлар беради. Агар иштирокчилардан бири биринчи бўлиб тўғри жавоб берса, қолган барча саволлар фақат шу иштирокчига берилади ва ҳар бир тўғри жавоб учун олинган балл тўпланиб боради. Агар тўпланган бални вақтида ўз жамоаси ҳисобига тушириб турмаса ва ўйинни тўхтатмай, ўйин давомида нотўғри жавоб бериб қўйса, ўша иштирокчи тўплаётган барча баллар куйиб кетади. Демак, ўша ўқувчи ўзи истаган пайтда ўйинни

¹ Абдуллаева О.О. Адабиёт дарсларини ташкил этишда интерфаол методлардан фойдаланиш. Студенческий вестник, 16 (161). Часть 7, 2021 г. С-72

тўхтатиши ва тўплаган балини жамоа ҳисобига тушириши керак. Қолган саволларга энди бошқа иштирокчилар жавоб бериши лозим ва улар ҳам ўз жамоалари ҳисобига балл тўплаш имконига эга бўладилар. Ҳар бир тўғри жавоб учун 1 балл. Қуйида 5-синф она тили дарслиги асосида тузилган қисқа жавобли саволлар келтирилган:

1. Гапларнинг ифода мақсадига кўра қандай турлари бор?
2. Дарак гап деб нимага айтамиз?
3. Дарак гап охирида қандай тиниш белги қўлланилади?
4. Сўроқ гап деб нимага айтамиз?
5. Сўроқ гаплар нималар ёрдамида ифодаланади?
6. Дадангчи? У ҳам келмадими? сўроқ гапи нималар ёрдамида ясалган?
7. Ручкамни қайси сумкага солиб қўйдингиз? сўроқ гапи нималар ёрдамида ясалган?
8. Сўроқ олмоши ёрдамида ифодаланган сўроқ гаплар сўроқ юкламалари ёрдамида ифодаланган сўроқ гаплардан нимаси билан фарқ қиласди?
9. Белги ва таъм билдирувчи сўроқ сўзлар иштирокида гап тузинг.
10. Қайси сўроқ юкламаси сўздан ажратиб ёзилади?

Таълим жараёнида қўлланиувчи ҳар бир ўйинни бошлашдан олдин ўқувчиларга мазкур ўйин ҳақида тасаввурга эга бўлишлари учун ўқитувчи томонидан изоҳ бериб борилиши керак.

Умуман олганда, она тили фани ўқувчини мустақил фикрлашга, мулоҳазаларни оғзаки ва ёзма равишда тўлиқ баён қилишга ўргатади. Ўқувчининг саводхонлик даражасини, унинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни она тилидан ҳосил қилинган билим ва малакалари асосига қурилади. Маълумки, ҳар бир миллий тил ўзида моддий оламни айнан, адекват акс эттиришдан ташқари руҳий оламни, қайғу-аламлари-ю шодликларини ҳам ўринда тугал ифодалайди. Инсонда ҳар бир нарсага нисбатан ўз муносабатини билдириш имконияти бор ва бу имконият ҳар гал тилнинг муайян шакллари орқали юзага чиқарилади.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, бугунги ҳар қандай замонавий педагогик технологиялар ўз моҳиятига кўра таълим олувчиларда ўқув-билиш фаоллигини ошириш, уларни кичик гурух ва жамоа ҳолида ишлаш, ўрганилаётган мавзу, муаммолар бўйича шахсий қарашларини дадил, эркин ифодалаш, ўз фикрларини химоя

қилиш, далиллар билан асослаш, тенгдошларини тинглай олиш, ғояларни янада бойитиш, билдирилган мавжуд мулоҳазалар орасидан энг мақбул ечимни танлаб олишга рафбатлантириш имкониятига эгалиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Она тили ўқувчини мустақил фикрлашга, мулоҳазаларни оғзаки ва ёзма равишда тўлиқ баён қилишга ўргатади. Ўқувчининг саводхонлик даражасини, унинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни она тилидан ҳосил қилинган билим ва малакалари асосига қурилади. Ма’лумки, ҳар бир миллий тил ўзида моддий оламни айнан, адекват акс эттиришдан ташқари руҳий оламни, қайғу-аламлари ю шодликларини ҳам ўринда тугал ифодалайди. Инсонда ҳар бир нарсага нисбатан ўз муносабатини билдириш имконияти бор ва бу имконият ҳар гал тилнинг муайян шакллари орқали юзага чиқарилади.

Умуман олганда, бугунги замонавий методлар бугунги таълим тизимидағи янги истиқболли йўналиш сифатида қаралмоқда. Ўқувчи-талаба ёшларни ижодий фикрлашга ундовчи, бирор бир мавзу ҳақидаги билимларни атрофлича эгаллаш ва тушунчалар ҳосил қилишда каттагина аҳамият касб этади²

Таълим-тарбия жараёни самарадорлигини ошириш орқали келгуси тараққиётни янада ривожлантириб, мустаҳкамлашга асос солинади. Бу борада Ўзбекистон Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг қуидаги фикри бизга ибратдир: «Шуни унутмаслигимиз керакки, келажагимиз пойдевори билим даргоҳларида яратилади, бошқача айтганда, халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ. Бунинг учун ҳар қайси ота-она, устоз ва мураббий ҳар бир бола тимсолида, аввало, шахсни кўриши зарур. Ана шу оддий талабдан келиб чиқсан ҳолда, фарзандларимизни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш – таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим, деб қабул қилишимиз керак. Бу эса таълим ва тарбия ишини уйғун ҳолда олиб боришни талаб этади»³

Умуман олганда, биз – ёшлар ватанимиз Ўзбекистоннинг қанотларимиз. Бугун бизнинг олдимизда она тилини ўрганиш борасида ягона тўғри йўл турибди. Биздан миллатимизнинг бебаҳо бойлиги, халқимиз тафаккурининг

² Turg‘unpo‘latov D. R. Nutq tovushlarining o‘zgarishidagi terminlarni “Tushunchalar tahlili” metodi asosida o‘rganish. O‘zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali. 2(2), 2021, b-186.

³ Каримов И.А. Юқсак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият». 2008. – 61- б.

тengsiz жавохироти саналган ўзбек тилини мукаммал ўрганишимиз, оғзаки ва ёзма саводхонлигимиз юксак бўлиши талаб этилмоқда. Юкоридагиларни амалга ошириш учун бизга интепфаол усуллар кутилган самарани бериши мумкин. Зоро, давр ўқитувчидан ҳам, ўқувчидан ҳам изланишни, янгиликларни ўзлаштиришни талаб этмоқда.

REFERENCES

1. Абдуллаева О.О. Адабиёт дарсларини ташкил этишда интерфаол методлардан фойдаланиш. Студенческий вестник, 16 (161). Часть 7, 2021 г.
2. Turg‘unpo‘latov, D. R. (2021). Mubolag‘a – keng ommalashgan adabiy janr. *Academic research in educational sciens (ARES)*, 2(8). DOI: 10.24412/2181-1385-2021-8-186-188.
3. Turg‘unpo‘latov D. R. (2021). Nutq tovushlarining o‘zgarishidagi terminlarni “Tushunchalar tahlili” metodi asosida o‘rganish. *O‘zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali*. 2(2).
4. Turg‘unpo‘latov, D. R (2021). Xalq maqollarida uchraydigan qarama-qarshilik xususiyatining o‘ziga xos poetik tamoyillari. *Scientific progress*, 2(1).
5. Turg‘unpo‘latov, D. R. (2021). Bugungi yangilanayotgan ta’lim tizimida klaster tushunchasi. *Студенческий вестник*, 23(168).
6. Turg‘unpo‘latov, D. R. (2021). Hakim Nazir ijodi, uning asarlaridagi tarbiyaviy jihatlarning yoritilishi. *Scientific progress*, 2(3).
7. Turg‘unpo‘latov D. R. (2021). Nutq tovushlarining o‘zgarishidagi terminlarni “Tushunchalar tahlili” metodi asosida o‘rganish. *O‘zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali*. 2(2).
8. Turg‘unpo‘latov D.R. (2022). Uslubshunoslik: oddiy so‘zlashuv uslubiga xos o‘ziga xosliklar. *Scientific progress*. 2 (1; maxsus son),
9. Turg‘unpo‘latov D.R., Abdullayeva O.O. (2022). Hajviy asarlarda mubolag‘a janrining qo‘llanilishi. *Scientific progress*. 3 (4).